

МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК – инсон, халқ ва жамият аъзоларини маънавий хуружлар, ғоявий таҳдидлардан ҳимояланиш тизимини ифодаловчи т. М.х. миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида умуммиллий манфаатларнинг ҳимоя қилинишга йўналтирилган фаолиятдир. М.х.ка деганда, миллий манфаатларни таъминлаш эҳтиёжи боис вужудга келадиган ва жамият аъзолари маън-й, ғоявий-руҳий ҳаётининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолият ва узлуксиз жараён тушунилади. М.х. маънавий қадриятлар ривожини таъминлаш, уларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилиб, маъ-ятдаги руҳий, психологик, ахлоқий жиҳатларнинг уйғунлигини таъминлайди. Маълумки, инсон маъ-ятига қарши қилинган таҳдид қуролли хуружларга нисбатан кўпроқ таъсир кучига эга бўлиб бормоқда. Шу боис, бундай таҳдидларнинг олдини олиш учун миллий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашни ўз олдида мақсад қилиб қўйган ҳар қандай мам-тда жамият аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда М.х. масалалари устувор аҳамият касб этади. Ижтимоий -тарихий тажрибадан маълумки, муайян мам-тни забт этмоқчи бўлган истилочилар, аввало халқнинг руҳияти, маъ-яти ва қадриятларига болта уришга ҳаракат қилади. Миллий маъ-яти ва қадрияти пароканда этилган миллат ва элатлар ўзлигини йўқотади, ҳукмрон мафкура таъсирига тушиб, унинг манфаатларига хизмат қилишга мажбур бўлади. **"Узоқ тарихимиздан маълумки, — деб ёзади И.А.Каримов, — ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар"**. Бугунги кунга келиб бир давлатни бошқа давлат томонидан қурол ёрдамида босиб олиш хавфи камайиб, глобал ахборотлашув таъсирида маънавий омиллар воситасида бошқа халқлар онги, қалби ва руҳиятига таъсир ўтказиш имкониятлари беқиёс даражада ошди. Эндиликда ахборот тарқатиш имкониятлари, турли халқлар маъ-ятига кучли таъсир ўтказиш, М.х.и заиф мам-тларни қарам қилиш хавфининг кўлами кенгаймоқда. Ш.у. жамиятдаги сиёсий, иқт-й, ижтимоий хавфсизлик тизимининг маъ-ят билан узвий боғлиқлиги таъминлангандагина миллий хавфсизликнинг яхлит тизимини шакллантириш мумкин. М.х. барқарорлигини таъминлашда эса маънавий омил етакчи ўрин тутаяди. М.х.ка ички ва ташқи таҳдидлар таъсир этиши мумкин. Ички таҳдидга маъ-ятимизни заифлаштиришга интилган собиқ тоталитар тузум асоратлари, хус-н айрим шахслар онгидаги эскича фикрлаш андозаларини, зарарли ва ёт таъсирларга берилган баъзи кишиларнинг ғаразли ташвиқотлари, ўтиш даври қийинчиликларидан фойдаланиб қолишга интилаётган нияти бузуқ кимсаларнинг ёшларни йўлдан уришга ҳаракат қилаётганларини киритиш мумкин. Миллий, диний қадриятларимиз, анъана ва менталитетимизга ҳамда мам-тдаги миллий бирлик, фуқаровий тотувликка раҳна солаётган, аҳоли онги ва қалбига салбий таъсир этувчи наркотик моддаларнинг кириб келиши "демократияни олға силжитиш" ниқоби остидаги саъй-ҳаракатлар ташқи таҳдидлар сифатида кўзга ташланмоқда. Президентимиз "Юксак маънавият –

енгилмас куч” асарида таъкидлангандек, **“Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.”** Мам-тимизга турли воситалар орқали мафкуравий таҳдидлар кучаяётган ҳозирги мураккаб даврда М.х.ни таъминлаш мақсадида аҳоли кенг қатламлари ва ёшлар онгида юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли М.х.ини таъминлаш, ёшларда турли таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш имконини беради.